

*Д. Абдуммаев, У. Сулаймонов*



DAVR PRESS

# Мавлоно *Завқий*

# Иброхимжон Сулаймонов Хамидулла Абдуллаев Мавлоно Завқий

[http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=23282088](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=23282088)

## Аннотация

Х. Абдуллаевнинг Мавлоно Завқий асари нихоятда қимматли тарихий воқеаларни ўзига акс эттириш билан биргаликда ҳалқимизнинг оташин шоири Убайдулла Завқийнинг ҳаёт йўли ва серқирра ижоди ҳақида хикоя қилади. Асарда Қўқон адабий мухити ва жуда кўплаб ўша давр шоирлари Нисбат, Мухайир, Мухйи, Муқимий, Фурқат, Хамза Хақимзодаларнинг ҳам ижоди ҳақида ноёб маълумотлар келтирилган. Ўша даврнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, ҳалқнинг аянчли қисмати жуда ишонарли қилиб ёритилган. Асарнинг ёш авлод учун тарбиявий аҳамияти катта. Ушбу асарни нашр қилдириш мақсадга мувофиқдир. М. Ю. Салямов Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таълим ходими.

## **ТАҚРИЗ**

Мавлоно Завқий асари нихоятда қимматли тарихий воқеаларни ўзига акс эттириш билан биргаликда халқимизнинг оташин шоири Убайдулла Завқийнинг ҳаёт йўли ва серқирра ижоди ҳақида хикоя қилади. Асарда Қўқон адабий мухити ва жуда кўплаб ўша давр шоирлари Нисбат, Мухайир, Мухйи, Муқимий, Фурқат, Хамза Хақимзодаларнинг ҳам ижоди ҳақида ноёб маълумотлар келтирилган. Ўша даврнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, халқнинг аянчли қисмати жуда ишонарли қилиб ёритилган. Асарнинг ёш авлод учун тарбиявий аҳамияти катта. Ушбу асарни нашр қилдириш мақсадга мувофиқдир.

**М. Ю. Салям**

**Тарих фанлари доктори, профессор,**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таълим ходими.**

Адиб Х. Абдуллаев серқирра ижодкор, мантиққа тўла асарлар муаллифи. Асардаги теран фикрлар, илмий ва фалсафий ғоялар адибнинг фикрлаш доираси нақадар кенглигидан далолат. Мавлоно Завқий асари хужжатли манбаларга асосланиб яратилган ва бадиийлаштирилган. Унда ўша даврнинг тарихий жараёнлари, халқнинг аянчли кунлари жуда асосли қилиб яратилган. Асар кенг омма, ҳамда адабиёт ва тарихчи мутахассислар учун жуда қимматлидир. Бизлардан узоқлашаётган Завқий ҳақида ёзилган бу асар ўз вақтида яратилганлиги жуда қувонарлидир.

**М. Қаҳҳоров**

## **Фалсафа фанлари доктори, профессор.**

### **Убайдулла ЗАВҚИЙ**

Ривоятларда айтишларича, Мажнун Лайлининг хуснига тикилганича бир қанча фурсат маҳлиё бўлиб туриб қолган. Унинг бошига бир лайлак уя қуриб битиргунича ҳам ўзига келолмай тураверган. Бу муболаға бўлса ҳам севгига мубтало бўлган кимсанинг аҳволини тўғри таърифлай олган. Биз одамларда беҳисоб хусусиятлар қатори севги ва муҳаббат куртаги ҳам мавжуддир. Севги кишини эзгу ишларга мубтало қилиши билан биргаликда узлуксиз завқ шуъласи билан ёритиб туради.

Мени мафтун этмиш тавқи бор киши,

Гарданида ишқнинг шавқи бор киши.

Сен қайдан биласан ишқ лаззатини,

Бул бодани ичгай завқи бор киши.

Ҳофиз Шерозий бу мисраларни шоирлар ва ошиқлар учун ёзган бўлса ажаб эрмас. Убайдуллада шеъриятга бўлган завқ ва шавқ жуда эрта бошланган эди. Шу сабабдан шоирнинг яқин дўстлари унга Завқий деган тахаллус бердилар. Чиндан ҳам Убайдулла ўз тахаллусига монанд завқли киши эди. У умр бўйи ана шу қобилият ва маҳорат таъсирида тинмай қалам тебратди, лирик ғазаллар, ҳажвий шеърлар ва муҳаммаслар яратди. Ўз касбини жонидан севган ва хурмат қилган шоирнинг ушбу мисралари ана шундан гувоҳлик бериб турибди.

Ахли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!

Ақчадан лангар чўп ушлаб растанинг дорбози бўл!  
Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи анча кар,  
Бир ховуч олтин, кумушнинг хуш жаранг овози бўл!  
Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,  
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳи тийрандози бўл!  
Истамас бўлса замоно Завқий ёзган шеърини,  
Ким эшитсин арзининг хоҳ рози, хоҳ норози бўл!

Ҳар бир шоир вақти келиб ўз миллатининг ғурурига ай-  
ланиб қолади. Хўқанди латиф шахрини ижодкорлар ва шо-  
ирларнинг зиёратгоҳи деб бежиз айтишмаган. Бу сеҳрли  
маконда бир аср давомида уч юзга яқин шоирлар етишиб  
чиққан, бу анъана хануз давом этмоқда. Шаҳримизнинг ана  
шундай мўътабар шоирларидан бири шубҳасиз Убайдулла  
Завқийдир.

**МУАЛЛИФ.**

**ЗАВҚИЙ**

*Юртнинг, миллатнинг қувончи ва қайғуси билан шахсий  
қувонч-қайғумиз ўртасида қандай улкан фарқ борлигини ҳа-  
ли унчалик англаганимиз ҳам, ўрганганимиз ҳам йўқ.*

Кўп суронли йиллар эди. Жаҳолат эскирганини, яроқсиз  
бўлиб қолганини билмайди, тан ҳам олмайди, аксинча жон-  
жаҳди билан ўзини ҳимоя қилади. Яқин-яқинда дунёни лар-  
зага солган Мовароуннаҳр учта хонликка бўлиниб олиб заиф-  
лашгандан заифлашиб борар эди. Эскириб қолган хонлик  
дастгоҳига миниб олган жоҳил хонлар миллат ҳақида қай-  
ғуришни унутиб бир-бирлари билан қирпичокликдан бўша-

мас эдилар. Бу ҳам етмаганидек, шахсий халоватлари, ҳирсий хоҳишларини қондириш учун ишратбозлик, баччавозлик қилишар, зиёфатлар уюштиришар, шикорларга чиқишар, харамларига юзлаб канизакларни тўплаб, кеча-ю кундуз хотинвозлик қилишиб, мол-дунё тўплаш билан оввора эдилар. Фидойи кишиларнинг салмоғи, адолатнинг шуъласи оддий фуқаронинг уйини ёритиши билан ўлчанишини бу жоҳил ҳукмронлар билишмас, . Табиати гўзал, тупроғи унумдор, фойдали қазилмаларга бой бу ўлкага кўз олайтирганлар кўп эди. Айниқса Англия ва Россия жон-жаҳди билан бу юртни забт қилиш учун тинмай тайёрланари. Уч юз йилдан буён тинмай босқинчилик урушлари билан машғул бўлган Россия давлати инглизлардан жадалроқ ҳаракат қилиб 1853 йилдаёқ Ўрта Осиё ўлкаларини забт қилиш учун ҳарбий юришни бошлаб юбордилар. Ўша йилнинг ўзидаёқ Амир Умархон даврида қурилган Оқ мачит қаъласини забт қилдилар. Қилич ва қалқон, пилта милтиқ билан қуролланган, ҳарбий маҳорати йўқ Турон заминининг алп қомат, соддадил йигитлари, замонавий қурол билан қуролланган сонсаноксиз русларга бардош беролмай тутдек тўкилишар, қон ариқ бўлиб оқарди, қанча-қанча гуноҳсиз йигитлар бекорга шаҳид бўлдилар. Бу фожеадан хабар топган, ўзларини «Искандари замон» деб аташадиган Қўқон хонлигининг юртбошилари кўргиликка ҳатто эътибор ҳам беришмади. Бухоро амирлиги қувонган бўлса, Хива хонлиги билмагандек муносабат билдирди холос. Қора вабодек ёпирилиб келаётган ба-

лонинг олдини олишга ҳеч ким бирорта чора изламади ҳам. Ҳар доим иймон-эътиқодини йўқотмайдиган, қудратли ва андишали халқ ҳеч нарсадан беҳабар, ўз маромини йўқотмай меҳнат қилар, яшашда давом этарди, чунки яшашнинг ягона усули шу. Хонлар ва амирлардан мурувват кутиш бефойда, улар зулм қилиш ва хиёнатдан бошқа иш қилмайдилар. Тинимсиз ўзгаришдаги оламнинг бир қисми бўлган Ўрта Осиё хонликлари, эскириб қолганларига қарамай, янгиланишга киришмас эди. Яхшиям табиат ҳаммага бир хил дид, хоҳиш, нигоҳ бермаган, акс ҳолда барча бирдек лаззатланиб бир хил нафратланган ёки лаззатланиш ва ғазабланишни умуман билмаган бўлар эди.

\*\*\*

*Дунёни муштумзўрлар бошқаради дейишади, чиндан шундай бўлса, бунга қўрқоқ донишмандлар айбдор.*

Олам эскириб бориб янгиланиш тараддудига тушади, янгиланиш йўлининг қай бири ихчам, ёқимли ва фойдали эканлиги мавҳум бўлади. Ана шу йўлни қидириб топиш асосий муаммодир, лекин одамлар муаммоларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бир-бирлари билан узоқ ёқалашадилар, кўп азобу уқубатга гирифтор бўладилар. Талашаверадилар, яна талашаверадилар. Ғафлат уйқусидан уйғонолмай, энг муҳим муаммони аниқлай олмайдилар. Энг истиқболли йўлни кўра билмайдилар. Кўрган-билган, фаҳмлаган доно фидойиларга жаҳолат асло қулоқ осмайди, аксинча уларни қулатади, маҳв қилади. Хиёнат, худбинлик, очкўзлик қайсар

кучга айланади. Фидойлик, эзгулик, аҳиллик эса хўрланади, азоб чекади.

Ўз юртини чинакам севиш учун унинг ғанимларини шунчалик ёмон кўриш лозим. Лекин юртнинг кўкрак кериб қариллаган мулкдорлари бойлик орттириш йўлида ҳар қандай ғаним билан иттифоқ тузишга тайёр эдилар.

\*\*\*

*Тараққиётнинг одимлари бизнинг адолатимизга эмас, ўз адолатига эга, у гоҳо шафқатсизлик билан кўпгина мўъжизаларни ҳам йўқ қилиб юборади, яна аллақанчасини хотирамиз заифлиги учун унутиб юборади.*

Хонликнинг маркази бўлган Қўқон шаҳри ўзининг кўпгина афзалликларига эга эди. Умархон даврида экилган маънавият уруғи улғайиб унумли ҳосил бера бошлаган, қанча-қанча олим, шоир, санъаткорлар етишиб чиққан. Ижод ва санъат ўз эгаларини топа олган. Ана шу сабабларга кўра аҳли Қўқон санъатсевар, серзавқ, хушчақчақ, шоиртабиат кишилар бўлиб фаолиятли ҳаёт кечиришар эди. Шаҳар ўша даврларда ўн икки маъмурий бирликка – аминликка бўлинган бўлиб, ҳар бир аминликда ўртача 7-8 тадан маҳалла мавжуд бўлган. Кўчалар туташган жойларнинг марказини – гузар деб аташар, ҳар бир гузарда масжид, мактаб, бозорча, нонвойхона, қассобхона, чойхона ва баққоллик дўконлари, йирик гузарларда меҳмонхона, китобхона, ҳаммом, қарвонсарой бўлар эди. Гузарлар ўзига хошлиги билан «Исфара гузари», «Қаймоқли гузар», «Нонвойлик гузар» деб номла-

нар, ҳар бир маҳалла ва гузар бир-биридан нимаси биландир фарқ қиларди. Шаҳарда ҳунармандчилик, жумладан ко-сибчилик, тикувчилик, заргарлик кабилар жуда ривожланган. Бозорлар гавжум, савдо-сотик гавжум, теварак-атрофдан келди-кетди ва савдогарлар оқими тўхтамас, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларда сотилса, ҳунармандчилик маҳсулотлари расталарда сотилар, товарларнинг турига қараб пой-афзал, кийим-бош, газлама расталарига бўлинар эди. Шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик, устачилик, савдо-сотик билан шуғулланса теварак-атрофдагилар деҳқончилик билан шуғулланади. Шу сабабларга кўра кўпгина маҳаллалар аҳолининг машғулотига қараб – «Мисгарлик», «Дегрезлик», «Калвак», «Парпашабоф», «Галабаққоллик» деб аталар. Тарихий ёзувларга кўра Қўқонга кўпгина узок ўлкалардан ҳар хил гуруҳлар кўчиб келиб, ўрнашиб қолишган. Шу сабабга кўра баъзи маҳаллалар атамаси ўша воқеа ва уруғлар номи билан юритилади. Масалан: «Урганжибоғ», «Афғонбоғ», «Хўжанд» ва ҳоказо. Шаҳри Қўқон атамасига келсак бу ҳақдаги фикрлар турлича «Хувақанд», «Хавоканд», «Хўканд», «Хўқанд», яъни – шамол шаҳри, ўйдим-чуқурлик, латиф шаҳар, тоғли жой ва бошқалар. Манбалардаги латиф сўзига кўпроқ урғу берилишига кўра – иқлими мўътадил, ҳавоси тоза, суви чучук ва аҳолиси одобли, хушмуомала, но-зиктаб, шеърият ва мутоибага дидли, ҳозиржавоб ва меҳмондўст.

\*\*\*

*Бу заминда келажак авлодларимизга юз йил ёки минг йил эмас, бир неча миллион йиллар, эҳтимол миллиард йиллар яшамоқ насиб қилар, ҳар бир мавжуд авлод шу ҳақда ўйлаб қайғуриб яшамоғи лозим.*

Табийй жараёнлар ҳар доим кайфиятингга ажиб бир таъсир ўтказувчи мўъжиза. У гоҳ қувонтириб, гоҳ шодлантириб, маъюслантириб ҳатто кўзингдан ёш оқизишга қодир. Шамол мусиқа чалса, ёмғир рақсга тушади, офтоб кулса шабада табассум қилади. Қор ёғиши айниқса, улуғвор, юрагинг юмшаб, кайфиятинг илкис ўзгаради, чакмоқ ақлни уйғотади, ҳаракат уни ҳаракатга келтиради, момоқалди роқ кўрқув солади, шамол аллалайди, ёмғир шодлантиради, қор завқ береди, осмонга тикилиб бор товушинг билан бақиргинг келади. «Эй одамлар қаранглар, осмондан қувончлар ёғилмоқда, табиат бутун оламни оппоқ қилиб безамоқда». Бу сеҳрли жараёндан нафақат одамлар ҳатто паррандалар, бутун маҳлуқот қувончга тўлади, азал-азалдан табиат шўхликлари, фикрларингни бойитиб, меҳр қўзғаб ижодга ундайди, киши руҳига самодан узлуксиз сеҳрли садо келиб пичирлаб туради, уни ихлос билан тинглай олсангиз тилга киради. Табиат қаъридан оқиб келадиган товушлар, тинимсиз товланадиган ранглар барча мавжуд гўзалликларнинг манбаидир, унинг маслаҳатига қулоқ солган, ундан андоза ола билган одам, гўзал одамдир.

Умр омонат, ўлим ҳақ деган гапларни кўп эшитамиз, лекин умрнинг омонатлигини ҳар доим ёдда сақлаб яхши ном,

яхши хотира қолдириш учун бутун ҳаётини эзгу ишларга сарфлаб, одамийлик мулкига ўз хиссасини қўшиб кетган кишилар унчалик кўп эмас, афсуски шундай. Деярли ҳар қандай одам ҳаётини шарафли яшаб гўзал бир хотира қолдириб кетиш имкониятига эга, фақат бу ишга холис ва покиза ният билан ёндошмоқ лозим. Бу йўлда жуда кўп чалғитувчи истаклар борки, улар билан курашмоқ даркор. Ҳар қандай инсон қайсидир макон ва замонда яшаб улғаяди, ниманидир яратиб ўтишида муайян кишиларнинг заҳматли меҳнати ётади. Биз ўтмиш ва замондошларимиздан яратган ва амалга оширган эзгу ишларимиз учун қарздормиз. Буюк одамлар ўз зиммасидаги қарзни узиб, келажакни қарздор қилиб кетадилар.

\*\*\*

Ҳижрий 1270 (1853 милодий) йили Россия жангчилари Қўқон хонлигига қарашли Оқ мачит қаъласини забт этадилар. Ўша даврда хонликни 14 яшарлигида тахтга ўтирган Худоёрхон бошқарар эди. Шералихонни ўлдириб тахтни эгаллаган Муродхон атиги 7 кун хон бўла олди холос. Бу хабарни Ўш шаҳрида исённи бостириш учун келган Мусулмонқул эшитган замони Қўқонга юриш қилиб Муродхонни асир қилади ва ўша куннинг ўзида қатл қилдиради. Тахтга Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни ўтиргизиб уни ўзига куёв қилиб олади, амалда хонликни ўзи бошқаради. Мана 8 йилдан буён хонлик тахтига ўтирган Худоёрхон ҳукмрон сифатида мамлакатни бошқариб келмоқда. Бухоро амирлигидан ажралиб чиққан мустақил Қўқон хонлиги айни чоғда энг катта

майдон ва энг кўп аҳолига эга. Хива хонлиги билан Бухоро, Бухоро хонлиги билан Қўқон ўртасидаги зиддият ва тинимсиз давом этган урушлар халқнинг тинкасини қуритар, тараққиёт ривожланишига йўл қўймас, кетмон ва омоч билан ер ҳайдаб иш юритадиган деҳқон, қўл кучи билан меҳнат қиладиган ҳунарманд зўрға-зўрға тирикчилик қилар, бу ҳам етмагандек, беклар ва амалдорларнинг зулми янада аянчли аҳволга солиб қўйган эди.

\*\*\*

Махсидўз косиб Муҳаммад Солиҳнинг шодликдан кўзлари чакнаб кетди. Бугун унинг оиласида учинчи ўғил фарзанд дунёга келди, чақалоқнинг исмини Убайдулло қўйишди. Чақалоқ тетик, аёлининг саломатлиги ҳам яхши. Энди режалаштирган ишларини амалга оширса бўлаверади. У жадаллаб бозор томон юра бошлади. Маҳалланинг болаларига «чочала» қилиб бериш учун ширинликлар сотиб олиши, маҳалланинг момоси ва аёллари учун дастурхон ёзиши лозим. Барчасига суюнчи бериши керак. Улфатларини тўплаб албатта зиёфат уюштиришади. «Ўғилларимни ўқитиб саводхон қиламан» деди у кўнглидан ўтказиб, ўзи мустаҳкам илм ололмади, отасининг қўли юпқалиги, турмуш эҳтиёжлари, яна аллақанча сабабларга кўра кўпгина мақсадларига эришолмади. Ана шундай фикрлар оғушида керакли нарсаларни харид қилиб уйига қайтди. Қувончли хабар тез тарқалади, дейишгани тўғри шекилли, йўл-йўлакай учраган таниш-билишлар тилаклар билдира бошлашди.

- Солиҳ ака, янги фарзанд муборак бўлсин.
- Қуллук, раҳмат.
- Умри билан, ризқи билан бергани чин бўлсин.
- Илоҳо илованда айтганингиз бўлсин.
- Ошни қачон еймиз?
- Қачон десалар биз тайёр, биродар.
- Кичик чилласини чиқариб олсинлар.
- Мақбул.
- Бу дейман адашмасам учинчи фарзандлари бўлса керак?
- Шунақа тақсир.
- Кўз тегмасин, давлатингизга давлат қўшилибди.
- Ўзим ҳам шундай фикрдаман, бизлар етолмаган орзуларга фарзандларимиз эришса ажаб эмас.
- Яхши ният ярим мол, ҳавасманд одамлар фарзандни ҳуш кўрадилар, болаларни албатта ўқитинг, илмли одам ба-рибир бошқача бўлади-да.
- Ўзим ҳам шундай фикрдаман, бизки яхши илм ололма-дик. Энди фарзандларимиз бу орзуларга эришсинлар.
- Лекин ҳунар беришни ҳам унутмасинлар.
- Албатта, косибчиликни ҳам ўргатиш ниятим йўқ эмас.
- Исмини нима қўйдилар?
- Убайдулло.
- Бай-бай, чиройли исм қўйибдилар, илойим бахтли бўл-син.

Муҳаммад Солиҳнинг қувончи таърифга сиғмас, агарда кишининг қувончини қай даражада эканлигини ўлчайдиган

бирорта асбоб бўлганда эди, шубҳасиз унинг айни ҳолатдаги кўрсаткичи юз фоиз бўлиши аниқ. Бутун вужудини ёқимли бир кайфият эгаллаб олган, ширин хаёл оғушида завқланар, ҳаётининг энг бахтли онларини бошидан кечирар эди.

\*\*\*

Кичкинагина ҳовли, пастқам икки уй, ўртаси дахлиз, кираверишдаги айвон майда-чуйда сақлаш учун ёпинғич вазифасини ўтайди. Рўзғор буюмлари ҳам одми ҳамда санокли. Ошхона вазифасини ўтайдиган бостирма уйчада идиш-товоқлар терилган бўлиб, бурчакдаги ўчоқда қозон ҳар доим осифлиқ туради, ўчоқ ичида олов тафтидан қорайиб кетган қумғон, ёнида сув тўлдирилган челак ва каттагина хум ва шу каби нарсалардан иборат. Кишининг диққатини жалб қилдаиган бу оддий буюмлар уй эгасининг камтарона ва но-чор эканлигидан далолат эди. Қоп-қора соқоли ўзига ярашган, ўрта бўйли, ҳар доим кишига табассум билан тикилиб қарайдиган Муҳаммад Солиҳнинг кийинишлари, хатти-ҳаракатлари, соддадиллиги атрофидаги муҳит билан ҳамоҳанг эди. У оғир ҳаёт йўлини босиб ўтди. Тинмай ишлашига қарамай топгани оила эҳтиёжларини аранг қоплар эди холос. Кун бўйи кичкинагина дўконида меҳнат қилиб, кечқурунлари чироқ ёқиб уйида ҳам анча фурсат ишлар эди. Ана шу кичкинагина ҳовлида бутун умри ўтди, қанчалик тиришиб меҳнат қилмасин асло бири икки бўлмади. Бутун умр тежамкорлик, бориға қаноат қилиш, бекорчи ҳаваслардан воз кечиш билан яшаб ўтди. У ҳалоллиги билан бирга ҳамма ер-

да ажралиб турар, серзавқлилиги санъат ва шеърятни се-  
виши билан анчагина обрў-эътибор ҳам қозонган. Тирикчи-  
лик ташвишлари билан бўлиб бирор-бир санъат йўлидан юра  
олмади, илм олишга ҳам имкон бўлмади. Бу унинг ҳаётида-  
ги армонларидан бири эди. Одамлар унинг хушмуомалалиги  
учун кадрлашар, кимдир этикдўз уста деса, бошқаси косиб  
деб атар. У косиблик билан биргаликда ямоқчилик ҳам қи-  
лаверар эди. Ўзи етиша олмаган мақсадларига энди фарзан-  
ди етишса ажаб эмас. Қандай бўлмасин ўғлини ўқитиб са-  
водхон қилади. Эҳтимол мусибатда ўтган умри йўлга тушиб  
кетар, орзуларининг бир қисми рўёбга чиқиб қолар.

\*\*\*

Бу воқеа 1270 хижрий (1853 милодий) йилда содир бўл-  
ган эди. Қўқон шаҳрининг Қатағон даҳаси Шайхон маҳал-  
ласида содир бўлган бу қувончли воқеа тасодифми ёки қо-  
нуниятми айнан Россия босқинчиларининг Оқ мачит қаъла-  
сини забт қилиниши билан бир вақтда бўлиши ажабланар-  
ли ҳол. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, соддадил халқ ўз билган-  
ларича яшар эдилар. Чойхоналарда, маҳаллаларда тўй-томо-  
ша, хонадонларда «гап» ейиш, атроф-туманларда улоқ чо-  
пиш каби жараёнлар асло тўхтамас, ҳамманинг ўз сеvimли  
машғулоти бор. Кимдир қимор ўйнаса, кимдир бедана ёки  
хўроз уриштиради, яна аллаким каптарвоз бўлса, бошқаси  
қўчқор уриштиради. Халқнинг бундай соддадил ва ўйинқа-  
роқ бўлишига сабаб ҳукмронларнинг лоқайдлиги ва беғам-  
лиги эди, улар тинимсиз ишрат қилиш, ўзаро низо, бойлик

тўплаш, халоватларини бузмаслик эди. Барча бало-қазоларни ҳар доим даф қила оладиган халқнинг ғамини ҳеч ким ўйламас, қайғурмас, чора изламас эди. Шундай даҳшатли бало ватан бўсағасида турган бир чоғда бефаросат амалпарастлар бир-бирларининг қонларига ташна бўлиб, жаҳолат уловига қамчи босардилар, зулм ва шафқатсизлик қилардилар.

Иймону инсофидан асло айрилмайдиган бечора оддий халқ тинмай меҳнат қилар, тер тўқар, заҳматли меҳнати билан бутун мамлакатни боқар эди. Бек-амирларнинг заррин ва кимхоб либослари, барча тантана-ю маросимлари, жамики маишатлари ана шу қадокли кўлларнинг меҳнати туфайли эди.

\*\*\*

Юрак, қалб, кўнгил яна нима деб аташ мумкин? Инсоннинг нақадар нафис, бебаҳо, буюк аъзоси, олам ичра мавжуд мўъжизаларнинг мўъжизаси. У тинимсиз улғаяди, тинмай камолот томон етаклайди. Унинг буюклиги шундаки ўзи хуш кўрган гўзалликни Сулаймон тахтига, Искандарнинг салтанатига алишмайди, бир қумурсқа такдири ҳақида кўзидан ёш тўкиб, жаҳон ҳоқонининг зулмига қарши чиқмоғи мумкин. Нафис бир чечакнинг тебранишидан завқланиб олам бойлигига беписанд бўлиши мумкин, у табиатнинг нола ва фиғонини беҳато эшитиб қалбсиз кишиларга насиб қилмайдиган энг яширин гўзалликларни илғай олади. Мумдай эриб, тинимсиз титраб турувчи бу жажжи мўъжиза асло енгилмайди, асло тобе бўлмайди. Ана шу мўъжиза ичида коинот-

нинг беҳисоб қанча-қанча ҳислатлари, бутун оламнинг акси, шакли, хоҳишлари мавжуд. Бўлажак авлодларимиз биз орзу қилганимиздек сифатли яшай олармиканлар, бизларнинг қилган хатоларимизни такрорламасликнинг иложини топа олармиканлар? Албатта топадилар, албатта биздан илғорроқ бўладилар, босқинчилик ҳам албатта барҳам топади. Тарихни кузатсак эди, асоратга тушмаган миллат асло топилмайдди, лекин йўл қўйилган хатоликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни ҳеч қачон такрорламаслик лозим.

\*\*\*

Ишнинг “кўзи”ни яхши билган Муҳаммад Содик, аста-секин қўли пул кўриб анчагина ер ва мулк эгасига айланиб олди. Серғайрат бу йигит дехқончилик ишларини пухта билиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Яқингинада ёлғиз меҳнат қилиб эрта-ю кеч тер тўккан бўлса бугун унинг ихтиёрида бир неча таноб ер ва бир қанча чоракорлари бор. Хўжалиги мустаҳкам, маблағи ҳам етарли. У кишиларга меҳрибон бўлиш билан бирга, қўли ҳам очик ва мурувватли йигит. Поччаси Муҳаммад Солиҳга айниқса оқибатли. Жиянларига ўз укасидек меҳрибон, жонкуяр. Мана жиянларини яна биттага кўпайганини эшитиб қувонганидан шаҳарга опасининг ҳовлиси томон жўнади. Аввал Каппон бозорига йўл олди, пулни аямай шойи қийиқ тўлғунича хилма-хил нознеъматларни харид қилди. У опасини хурсанд қилишни жуда хуш кўради. Шунинг учун ширмон нон, хандон писта ва ҳолваларни мўлроқ харид қилди. У шошилмай гавжум бо-

зорни тарк этиб Янгу чорсу томонга бурилди. Муюлишдаги чойхонада нафасини ростлаб олиш учун бир чойнак чой чақирди, бир қанча фурсат дам олиб бўлганидан сўнг Ходабозор кўчаси томон юра бошлади. У Қўқоннинг гавжум кўчаларини томоша қилишни жуда хуш кўради, ҳар бир қадамда иштаҳани очадиган таомларнинг хушбўй ҳидлари димокқа урилади, ҳолвапаз, сомсапаз ва кабобпазлар “Келиб қолинг, гўшт куйди” деб бақир-чақир қиладиган ошпазлар, ҳар қадамда учрайдиган тиланчилар ўзига хос бир олам. Серқатнов кўчалардаги йўловчиларнинг ҳолатига қараб қайси тоифага мансуб эканлигини билиб олса бўлади. Бойвачча йигитлар қирчанғи отларга миниб олиб, оҳори тўкилмаган кийим-кечакларини кўз-кўз қилишса, бечорахолроқ кишилар эшакларига миниб олиб йўрғалайдилар.

Гилдираги каттакон Қўқон арава ўтаётгандаги ғижирлаш бир қанча фурсат давом этади. Одамлар тўпланадиган ерларда чўнтакурар ўғрилар ҳам йўқ эмас. Баъзи бир хилват кўчаларнинг муюлишларида ошиқ тепадиган қиморбозлар ҳам учраб туради. Чорсуга етмасдан ўнг томонда товук бозори бор, дакан, чипор ва шунга ўхшаш паррандаларнинг хилма-хиллигидан кўз қамашади. Муҳаммад Содик бир нарса эсига тушиб қолгандек бозорчага бурилиб, этли бир товукни харид қилди. Энди поччасининг ҳовлисига борса бўлаверди, режалаган барча нарсаларни харид қилганига ишонч ҳосил қилиб, жадаллаганича юриб кетди.

– Содикбой, соғ-саломат юрибсизми? – деди Муҳаммад

Солиҳ қайноғаси билан қучоқлашиб кўришар экан. – Бола-чақалар тинчми?

– Шукур, бир амаллаб юрибмиз. Жижи катта бўляптими?

– Худога шукур, тетиккина.

– Опам яхшимилар?

– Ҳа, бечоранинг қувончи ҳеч қаерга сиғмайди.

– Учта ўғил кўради-ю қувонмайдими, ҳар қанча қувонса арзийди. Худо хоҳласа уларни оёққа турғазиб олсангиз марра сизники.

– Айтганингиз келсин, тўйларини кўриш насиб этсин.

– Учта ўғилга учта келин келса бу ҳовли набиралар билан тўлади, ҳали ҳовлингиз торлик қилиб қолади.

– Тўғри айтдингиз, янги бир ҳовли қуриш орзуим бор, лекин тирикчилик муаммолари билан овораман.

– Биламан, ҳаммамизга ҳам қийин, тирикчилик қилиш йилдан-йилга оғирлашиб бормоқда. Айниқса солиқлар эзиб ташляпти.

– Шукур қилаверайлик, яхши кунларга ҳам етиб борсак ажаб эмас.

– Қани ичкарига кирайлик, – деди Содикбой поччасининг елкасига оҳистагина қўлини қўйиб. – Сизни соғиниб юрган эдим, озгина гурунглашиб ўтирамиз.

– Сиз билан суҳбатлашиш мароқли, лекин бироз шошиб турибман.

– Унақаси йўқ, ҳой аяси, – деди Муҳаммад Содик шошилиб. – Чой қўйиб юбор, дарров дастурхон туза.

– Содикжон, чойни бошқа сафар ичамиз.

– Почча ҳар сафар шошиб келиб, шошиб кетасиз. Келинг энди озгина суҳбатлашайлик. Келинингиз нон ёпган, эрталаб эринмай туриб янги «ширава» қаймоқ олиб келганман. Ризқингиз қўшилган экан, бирга қаймоқлашамиз.

– Қаймоқ танлашда сизга етадигани йўқ, буни биламан.

– Атайлаб «Қаймоқли гузар»га бордим, у ернинг қаймоғи бошқача бўлади.

– Хоннинг ўрдасидагилар ҳам ўша ердан қаймоқ олар эканлар.

– Шунақа, харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам ўша ерда жамланади, энг сифатли қаймоқни фақат ўша ердан топасиз.

– Сизни меҳмондорчиликка айтгани келдим.

– Э, шунақами?

– Ҳа, янги чақалоқнинг туғилгани муносабати билан улфатларга биттазиёфат қилиб беришга ваъда берган эдим.

– Жуда яхши, бизга нима хизмат бор, тортинмай айтаверинг.

– Фақат ташриф буюрсангиз етарли.

\*\*\*

*Адолат билан адолатсизликни, асл фарзандлари ким, ғанимлари ким фарқлай олмайдиган юрт қулликка маҳкумдир.*

Ҳар бир замоннинг ижобий ютуқлари бўлиши табиий ҳол, илм-фан, санъат, адабиёт, маданият, фалсафа каби соҳалар тинимсиз ривожланиб туради. Афсуски бу ютуқлар қатори

аллақанча нуқсонлар ва иллатлар ҳам мавжуд бўлади.

Даврнинг чинакам ўзгариши ана шу ютуқ ва нуқсонларга бўлган муносабатга боғлиқ. Кишилар ижобий ўзгаришларни тўғри фахмлаб, тараққиёт учун фойдали омилларни авайлаб, уларнинг яратувчиларини эъзозласа, хурмат қилиб рағбатлантирса бу жамият гуллаб-яшнаши шубҳасиз. Аксинча барча мўъжизакор соҳаларни йиғиштириб қўйиб хурофотга кетса, тараққиёт ожизланиб, маънавият касалланиб, адолат йўқолиб боради. Замонга боқ деганда, барчамиз энг илғор, энг замонавий ўзгаришлар ҳақида қайғуришимиз, гўзалликларни парвариш қилишимиз тушунилади.

Аксинча нодонлик томонига ўтиб, манфаатимиз йўлидаги ютуқларни нобуд қилсак, бу замонга боққанимиз эмас, замонга хиёнат қилганимиз бўлади. Ҳаётга кўр-кўрона мослашиш, нима қулай бўлса ўшани ёқлаш, нодон кишиларнинг сафида бўлиш келажак олдидаги жиноятдир.

Замона зайли билан дейишади одамлар. Менимча ҳар бир замоннинг ўз оқими бор дейишмоқчи бўлса керак, ана шу оқимга қараб, ҳеч қандай мулоҳаза қилмай одимловчи кишилар аксарият кўзлаган мақсадларига тез эришадилар, яхшиямки бу қулайликлардан барча бирдек фойдаланмайди, кимдир бу оқимга таъсир ўтказади, яна кимдир унга қарши ҳаракатланмоқчи бўлади. Бундай жараён тараққиётнинг негизидир. Замонга мослашиш, ҳаётга мослашиш демакдир, мулоҳаза қилиб ўтирмай ҳаётга мослашиш худбинликнинг кенг тарқалган туридир, худбинлик эса ўз манфаати ҳақида

қайғуришдан бошқа нарса эмас. Манфаат ҳақида қайғуриш, нафс кўйида умр ўтказиш деганидир, бу хоҳиш бутун ҳайвонот оламига хос хоҳиш бўлиб, бизларни мулоҳазага тоъбелик бу ҳислатдан ажратиб туради. Демак икки хил одамлар мавжуд, қалб амри билан фикрлаб яшовчи ёки бутун умр нафс хоҳишини қондириш билан оввора кишилар. Барча истак, орзу-ҳавасларимиз покиза одам бўлиш бўлса шунинг ўзи гўзаллигимиз.

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,  
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.

А.Навоий

\*\*\*

Ҳеч қачон икки нусхада такрорланмайдиган инсон дунёга ёлғиз келиб, ёлғиз кетади. Унинг нигоҳидаги олам, қалбидаги туйғулар, қувончу қайғулар, хоҳишу орзулар, севги ва нафратлар, жамики кечинмалари бетакрор ва ягонадир. Барчамиз нималарнидир ўрганиб умр ўтказамиз, лекин ҳеч бир кимса ўзини мунтазам билмайди, тингламайди, ўрганмайди, билганларимиз эса холис эмас, бироз мақтов, ёлғон, худбинлик қўшилган бўлади. Демак ўз худбинлигини енга олган одам жуда кам ёки йўқ. Нега шундай деб изланадиган одам ҳам жуда кам ёки йўқ. Ҳар бир дунёга келган одам борлиқнинг ижоди ёки бетакрор кашфиёти, шубҳасиз у бир қанча нуқсон ва беҳисоб фазилатлар билан яратилади, кимса ўз нуқсонларини мутлоқ енгиб, фазилатларини тўла парваришлай олса эди, у бетакрор гўзаллик ва бетакрор кашфи-

ёт соҳиби бўлган бўлар эди, ҳар биримиз умр бўйи ўта гўзал инсонни излаймиз, тинимсиз излаб, тинимсиз қайғуриб асло топа олмайдиган кимса ўзимиз учун ўзимиздир.

Бизларни кашф қилишда нақадар саҳийлик қилган қодир куч нуқсонларимизни аниқлаб бермаган, биз уларни тинимсиз излаб, беҳисоб заҳматлар чекиш ҳисобига аниқлаймиз. Ўзини аниқлаган инсон мукамал дейилади, нуқсонларини йўқота олса комилдир. Унинг ўз қиёфаси, нигоҳи, хулқи, товуши, ўрни бўлиб, холис фикрлайди, холис муносабатда бўлади. Хушомаду очкўзлик, шухратпарастлик, энг муҳими худбинликдан холи кишига айланади.

Аччиқ ҳақиқатни тан олиб, ўзимиздан адолатли нафратланиб, танқид қилиб, тинимсиз тергаб, зарарли хоҳишларимизни жиловлай олсак эди, чинакам гўзалликка эриша олардик. Афсуски, бундай қила олмаймиз, ўзимизга тинимсиз сайқал бериб, инсон деган асл номни оқлаб, ёруғ юзли гўзал инсон бўлишга интилишни, барча фаолиятимизни инсоният мулкига мулк қўшиш, кишиларга малҳам яратишга бағишлашни ёдимиздан чиқариб қўямиз. Нималардан завқланиб, нималардан нафратланишни адолатли ҳал қила олсак янада гўзалроқ бўлар эдик. Ноўрин нафратланиш, тараққиёт учун зарарлидир.

Ҳайрат ва ҳасрат тўла бу оламда, армонлар ҳам бисёр, ишқ-муҳаббат ёнида афсус ва надоматлар ҳам. Бирор лаҳзага тиним билмайдиган инсон умр бўйи ўз қалби билан ҳасратдош. У ҳаётнинг барча қайғу ва ҳасратларини биргалик-

да энгиб, барча қувончлардан бирга бахраманд бўлиб, севиб ҳам нафратланиб уни асло тарк этмайдиган ягона дўстдир. Шоирлар умр бўйи ана шу дўстлари билан ҳасратдош бўладилар, бирга суҳбатлашиб, бирга куйлашиб, бирга ижод қилдилар.

\*\*\*

Аъзамхўжани улфатлари бекорга «қўли гул» деб атамайдилар. У чиндан ҳам пазанда бўлиб, ниҳоятда дидли ва озода, дастурхон тузаш ва таом тайёрлашда тенги йўқ. Шу сабабларга кўра меҳмондорчиликдан қўли бўшамайди. Мана бугун ҳам Муҳаммад Солиҳнинг меҳмонларини кутиб олиш унга юкланган. Ҳамма ишларни режалаб олган Аъзамхўжа уйни йиғиштириб тартибга солишдан бошлади, таҳмондаги кўрпачаларни бир бошдан солиб, атрофга болиш ва ёстикларни териб қўйди. Тоғорадаги сомса совиб қолмаслиги учун кўрпача билан ўраб қўйди-да, сўнгра дастурхон солиб тузай бошлади. Ликопча ва пиёлаларни териб қўйиб, бир бошдан қуруқ мева ва ширинликларни тузади. Энди шошилмай кўкатларни тўғраб, сузма қатик билан аралаштириш лозим ҳамда кабобга қўшиб ейиш учун «зирапиёз» ҳам тайёрлаш керак. У тухумсимон нўш пиёзларни тозалаб «қил-қил» қилиб тўғрай бошлади, сўнгра уларни энгилгина эзгилаб, сирка қуйди, устидан озгина мурч сепиб аралаштириб қўйди. Энди пиёлаларга қаймоқ ва мурабболарни қуйиб жойлаштириши керак. Қандолат печак, лабз, холвалар каби қандларни чиройли қилиб териб чиқди. Хонага хушбўй

ҳид тарқалсин деб дастурхон ўртасига райҳон қўйишни ҳам унутмади. Қалампир-туздан тортиб барча нарсаларни ҳозирлаб бўлди-да, сихларни олиб гўшт бўлакчаларини тера бошлади. Энди бироз дам олиб меҳмонларни кутиб олса бўлаверади. Ҳеч нарсани эсидан чиқариб қўймадимми деб ўйлай бошлади. Йўқ ҳамма нарса жойида, дастурхоннинг тўрт бурчагига биттадан сочиқ қўйса бас. Обдастага сув тўлдириб, чилопчинни ҳам ҳозирлаб қўйган.

– Тайёргарлик бўляптими, Аъзамхўжа?

– Ҳамма йўқ бисёр, дастурхонни айтганингиздек қилиб тузаб қўйдим.

– Қанақа таомлар қиламиз?

– Биринчисига қобили шўрва, кейин паловхонтўрада.

– Шунинг ўзи етадими?

– Албатта етади, дастурхонга анчагина нозу неъматлар тузадим. Орада иккитадан сомса ҳам берамиз.

– Сомса ҳам тайёрладингизми?

– Дўстингиз Маҳмудхўжа бир тоғора сомса ташлаб кетди, совға ўрнига деди. Кўрпача билан ўраб қўйдим.

– Эй бечора, жуда қўли очикда.

– Менга қаранг Муҳаммад Солих, машшоқчиларни ҳам айтдингизми?

– Айтдим, Қамбар хофизни айтдим, шериклари билан ҳали-замон кириб келади.

– Ундай бўлса...

– Нимадир демокчимисиз?

– «Ҳалиги»дан бўладими?

– Бир-иккита қарилар ҳам келишади, ноқулай бўлмасмикин?

– Шундай қувончли кунда озгина-озгина қилмасак бўлмайди-да.

–

Сиз дўстларимиз харқанча хурсандчилик қилсаларинг мен ҳам хурсанд бўламан, лекин иймон – эътиқодли бўлатуриб бундай ишлар қилиш менимча яхши иш бўлмайди.

–

Акагинам, бунақа ишлар ими – жимида бўлади, бирорта кимса хидини ҳам билмайди.

–

Сиз Аъзамхўжа ниҳоятда ақилли одамсиз, харқандай ишни бандалардан яшириш мумкин, лекин Оллоҳдан яшириб бўлмайди. Шу сафарчалик мени манзур тутинг.

–

Хўп ака, айтганимиздек қиламиз.

–

Барака топинг ука, чақалоқнинг бахтли ва омадли бўлиши учун истак билдирсаларинг мен учун катта мурувват кўрсатган бўласизлар. Қарилар Қуръон тиловот қиладилар, яхшигина суҳбат қиламиз.

–

Яхши, мен бу томонини билмаган эканман.

–

Ниятим катта, гўдаккина элимизни ардоқли фарзанди бўлсин, илмли эътиборли бўлсин.

Истакларингизга барчамиз тилакдошмиз

Пешин намозидан кейин меҳмонлар бирин-кетин кела бошладилар. Зиёфат жуда қуюқ бўлиб, кўтаринки руҳда ўтди. Қамбар ҳофиз айниқса ўтиришга файз киритди. Гўдак Убайдуллоҳўжага барча яхши тилаклар билдирди. Баркамол инсон бўлишини, бахтли ҳаёт кечиришини тилаб бир неча бор фотиҳа қилдилар.

Уч ўғилнинг отаси Муҳаммад Солиҳнинг қувончи чексиз эди. Унинг хонадони шундоққина Шайхон маҳалласининг кираверишида жойлашган бўлиб, Хода бозор кўчаси билан тутшиб кетган. Қўқон хонлигининг қароргоҳига яқин маҳаллалардан ҳисоблангани учун аҳоли зич, кўчалар обод ҳамда гавжум. Атрофида бир неча чойхоналар жойлашган. Ана шу аҳоли зичлиги туфайли барча қатори Муҳаммад Солиҳнинг ҳам ҳовли саҳни кичкина, бироз узунчоқ эди. Кираверишда болохонали уйча бўлиб у меҳмонлар учун мўлжалланган, яна бир хона ташқари икки уй бир дахлиз бўлиб, у ётоқхона ва ўтирадиган уй вазифасини ўтар. Ҳовли тор бўлишига қарамай тартибли, саранжом-саришта, ҳамма нарса жой-жойида. Муҳаммад Солиҳ маҳсидўзлик билан шуғулланар, унча-мунча савдо-сотикқа ҳам аралашиб турарди. У бой-бадавлат бўлмасада, ўзига яраша мустақил киши бўлиб, жуда меҳмондўст, хушмуомала, кишиларнинг меҳрига кира олган одам эди.

Кўргилик кўпгина ҳолатларда кутилмаган томондан келиб, кутилмаган натижа билан якунланади. Ҳар қандай қийинчилик билан бўлса ҳам ўрнини тикласа бўладиган кўргиликнинг жароҳати аста-секин битиб кетади. Лекин қайта битмайдиганининг асорати умрбод сақланиб қолади, қайта-қайта кўнгилни тирнайвериб охири битмас ярага айланади. Унга гирифтор бўлган кишининг афсус ва надомати бир умрликдир. Орқама-орқа келган кўргиликлар Муҳаммад Солиҳни ҳам қаддини букиб қўйди, фаолиятли ҳаётини йўқотиб, ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, ўқтин-ўқтин пана жой топиб кўз ёши тўкадиган бўлиб қолди. Хулқидаги жўшқинлик, ҳазил-мутоибаларга бўлган мойиллик, юзидаги табассум уни мутлақо тарк этди. Жисмонан тетик ташқи қиёфаси йўқолиб, уларнинг ўрнини оқариб кетган соч-соқоллар, букилган гавда эгаллаб олди. Одамзотнинг тақдирга тан бермай иложи йўқ.

\*\*\*

Катта орзу-умидлар билан яшаётган бечора йигитнинг бошига тушган оғир кўргилик уни хароб қилиб қўйди. Бирин-кетин касалга чалинган икки ўғлидан ажрайди, узок вақт даҳшатли кўргиликдан ўзига келолмай юради. Энди барча орзу-умиди ягона ўғли Убайдуллодан. Оллоҳ унинг умрини узок қилган бўлсин. Убайдулло ёқимтой болакай бўлиб ўса бошлади. Уни ота ва она еру кўкка ишонишмасди, Оллоҳдан умр тилаб парвариш қилишар, болани оила аъзолари билан бирдек тоғаси Муҳаммад Содик ҳам жуда

ёқтирар, тез-тез улардан хабар олиб, совға-саломлар билан йўқлаб турар эди.

\*\*\*

*Оламдаги энг гўзал неъмат покиза инсоннинг покиза дили бўлса керак.*

*Ёвузликни мутлоқ йўқотиб бўлмаганидек, гўзаллик бўлган ва ҳар доим бўлади.*

Олижаноблик ҳақида айрим олижаноб кишилар ҳақида ҳикоялар ҳатто асарлар ёзамиз, таҳсинлар ўқиймиз. Тарихга киритамиз, аслида жамиятнинг асосий қисми олижаноб одамлардан иборат бўлмоғи лозим. Олижаноблик оддий ҳол бўлмоғи керак. Қачонлардир келиб эҳтимол шундай бўлар, оддий инсон энг камида олижаноб кишига айланар. Баркамол одам бўлиш учун оддий турмуш сабоқларининг ўзи етарли эмас. Ҳаётий эҳтиёж жуда кўплаб йўлакларга етаклайди. Муҳтожлик нима, оч қолиш нима, меҳнат ва илм олиш нима барчасини билиш керак, билиш учун кўриш, ўрганиш керак. Кўрмай, билмай ўтиш яшамай ўтиш билар баробар, одам боласи бўлиб туғилиб, яшамай ўтиш жуда ачинарли ҳол.

Тараққиёт тўхтаб қолмайди. Тўхтатишнинг иложи ҳам йўқ, уни тинимсиз одимлашидан барчамиз баҳрамандмиз. Шу боис инсоният тараққиёти учун, одамларнинг бахтли ҳаёти учун яратилган ҳар қандай янгилик учун қувонишимиз шарт. Нодон буни тушунмайди, тушунишни хоҳламайди ҳам, қанақа-ки гўзал неъмат яратилса ўша нарсага қарши

фаолият бошлайди, кишиларнинг омади унинг учун ёқимсиз воқеа, яратилган гўзал нарса унинг учун фожеа.

\*\*\*

*Афсуски қанча-қанча истеъдодларимиз оғизликларимиз исканжасида нобуд бўлган. Бахт нима эканлигини билиш учун аввал бахтсизлик нима эканини билмоқ лозим.*

Убайдулло оиланинг ёлғиз фарзанди бўлиб қолди. Отаси Муҳаммад Солих ўзининг барча орзу-умидларини ўғлига бағишлаб унинг тарбиясига астойдил киришди. Болани даставвал эски усулдаги маҳалланинг мактабига ўқишга беришди. Убайдулло зеҳни тез, зукко, чакқон бола бўлиб улғая бошлади. Унинг энг яқин кишиси отаси ва тоғаси Муҳаммад Содик эди. Ота-она ва қариндошларнинг меҳрига қониб ўсган бола бошқаларга нисбатан ўзи ҳам меҳрибон, одобли ва ростгўй эди, шўх бўлишига қарамай тез сабоқ олар, ўргатилган нарсаларни ошиғи билан ўзлаштириб оларди.

– Дада, – деди бола қувончдан кўзлари чакнаб, – хафти-якни тамомладик.

– Э баракалло ўғлим, ўқишни яхши тамомласангиз олим одам бўласиз, барча одамлар сизни ҳурмат қилишади.

– Дада қачон менга тойчоқ олиб берасиз?

– Бироз катта бўлсангиз, албатта тойчоқ олиб бераман.

– Қачон катта бўламан?

– Яхши бола бўлиб, айтганларимизни қилаверсангиз тез кунда катта йигитча бўласиз.

– Кейин нима қиламан?

- Кейин мадрасада ўқиб, илм оласиз. Жуда кўп ўқишингиз керак. Мен сизга жуда қизиқарли китоблар олиб бераман.
- Уларда нималар ёзилган бўлади?
- Ҳар хил қизиқарли эртаклар, ҳикоялар бўлади.
- «Уч оғайни ботирлар» ҳам борми?
- Албатта бор, сиз бу эртакни қаердан биласиз?
- Домламиз айтиб берганлар.
- Баракалла, домлангиз ўргатган нарсаларни эслаб қолишга ўрганинг.
- Ўртоқларим билан ўйнаб келсам майлими?
- Майли болам, ўйнаб келинг, фақат от аравалардан эҳтиёт бўлинг.

Болаларга бўлган муносабат, ҳар бир даврнинг қиёфаси ва ўша давр кишиларининг меҳр-мухаббатининг ўлчовидир. Ҳар қандай шароит имкониятдан келиб чиқади. Ўша даврнинг имконияти ўзига хос бўлиб баъзи бир соҳалар қашшоқ ва ночор эди. Ана шу сабабларга кўра қурилиш ва ободончилик ишлари суст ривожланган, кўчалар тор, ёзда тупроқ, қишда лой билан қопланган эди. Болаларнинг ўйнаб хордиқ чиқаришлари учун ҳеч қандай шароит йўқ. Бечора болакайлар шундай бўлишига қарамай ўзларига ўзлари шароит яратиб неча хил ўйинларни кашф қилишиб қувонишар, шўхлик қилиб яйрашар эди. Ўйинлар асосан қувлаш, яшин тўпалоқ, эшак минди, оқ терагу-кўк терак каби бўлиб, ўйинчоқларсиз бўларди, мавсумларнинг ўзгаришига қараб уларнинг турлари ўзгариб борарди. Баҳор палласида даста-чиқалдак, камалак

отиш, дўндирак ўйнаш, варрак учирини бўлса, куз чоғига бориб ёнғоқ ўйини, лаппак отиш кабилар авж олади, қиш палласида ланка тепиш, бир-бирларига эртақ сўзлаб беришдан иборат бўлади. Убайдулла жуда хушчақчақ, соддадил бола бўлиб улғая бошлади. Лекин кўпгина ўйинларни тақиб қўйишгани учун фақат томоша қилишдан нарига ўтолмасди. Отаси йиқилиб тушишидан кўрқиб томларга ва дарахтларга чиқишга рухсат бермайди, шунинг учун у кўйнига ғўра тўлдириб дарахтдан тушаётган, томда маза қилиб варрак учираётган болаларга қараб фақат ҳавас қиларди холос. Бошқа ўйинларга ҳар ҳолда қатнаша олади. Унинг ёшлиги пастқам ўйлардан иборат унча кенг бўлмаган кўчаларда терлаб-пишиб ўйинқароқлик қилиш билан ўтди. Аста-секин ўйинларни тарк этиб, мутолаа ва отасининг касби маҳсидўзлик билан шуғуллана бошлади.

\*\*\*

Инсоният тарихига назар солсак, узоқ йиллар давомида диний низолар, дахшатли жанжаллар бўлганини гувоҳи бўламиз. Хўш нега шундай бўлган? Бунинг сабаби шундаки кўпгина одамлар чинакам эътиқод, чинакам гўзаллик нима эканини билмай, эътиқоднинг чин мохиятини тушунмай, ўрганмай ўзини диндор деб тушунади, яна бир тур кишилар динни ўз манфаатларига мослаш қайғуси билан ёки уни даромад манбаи деб тушунувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай кишиларнинг аксарият кўпчилиги динга ёнгил – елпи қараган, саёз фикрли ва илмсиз одамлардир. Билимсизлик хардоим

салбий хохишларнинг авж олишига етаклайди, айниқса очкўзлик, шухратпараслик, нафсни тиябилмаслик, худбинлик, хирсга берилиш каби қусурларни йўлини тўсишга ожизлик қилиб қолади. Чинакам эътиқод эгаси умр бўйи меҳнат қилади, тер тўкади, илм олади, ана шу йўл билан, тинимсиз ўз ички оламини бойитиб, маънавиятини юксалтириб, ўз дилини поклаб боради, бундай одам худбинликдан холи, кишиларга меҳрибон, хаммага омад тилагувчи бўлиб энг ёқимсиз қусурлар хасад бахиллик, бойликка ружу қўйишларидан фориғ бўлади, Парвардигорга чин дилдан ишонган бундай эътиқод эгалари, хурфот, мутаассиблик, бефаросатликдан холи бўладилар. Бундай гўзал кишиларнинг кўпайиши бахтли ҳаётга, мамлакатнинг таракқий қилишига, мазмунли ҳаёт томон етаклайди, бундай юртининг қудрати беқиёс ошади, фидоийлик ва фаоллик тинмай ривожланаберади. Хурфотдан холи бўлган бундай мамлакатни ҳеч қандай ёв мағлуб қилаолмайди. Бунинг акси бўлган юртда матаассиблик авж олади, бақироқ мутаассиблар пайдо бўлади, илмсизлик, порахўрлик, дилозорлик авж олади. Фуқароларнинг асосий қисми оломонга айланиб, диний низолар кучаяди, жаҳолат ҳукмрон кучга айланади, кишилар учун зарарли бўлган фикрлашлар, кераксиз ақидалар ҳам ҳукмрон кучга айланади. Ўтмиш шуни юз қарра исбот қилди, қайсики юртда муттассиблик кучайса ўша юрт инқирозга юз тутиб, душманга ем бўлган, мустақиллигини йўқотган, донишманд ва хос одамлар изтиробларга мубтало бўлган. Хар бир юртнинг билим-

донлари бундай муаммолар устида бош қотирмоқлари, хушёр бўлишлари жуда мухим.

# Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.